



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 6 » iyul

№ 421

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони ҳамда “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишуви бўйича қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Белгилансинки:**

**а) 2022 йил 1 январдан бошлаб қўшма таълим дастурларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилади ва фақат ижобий экспертиза хулосасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга рухсат берилади;**

**б) 2022 йил 1 январга қадар қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга ошираётган олий таълим ташкилотлари томонидан ушбу қўшма таълим дастурлари мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида экспертизадан ўтказилади. Бунда:**

**мазкур қарорнинг иловаси билан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотига қўйилган талаблар амалдаги қўшма таълим дастурларига нисбатан татбиқ этилмайди;**

**ижобий экспертиза хулосасига эга бўлмаган қўшма таълим дастурлари бўйича талабаларни ўқишга қабул қилиш тўхтатилади;**



























### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

**32. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:**

зарур ҳолларда қўшма таълим дастурларининг таълим сифатини, таълим жараёни ташкил этилишини, педагог ходимларининг меҳнат фаолиятини, талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражасини (билимини), ўқув жараёнини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича мониторинг ўтказди;

қўшма таълим дастурлари педагог ходимлари ва талабалари ўртасида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва сифатини аниқлашга оид аноним сўровлар ўтказди ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилган ҳолда таълим сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

**33. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мониторинг ўтказиш жараёнида** қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилоти томонидан мазкур Низом талаблари бажарилмаётганлигини аниқлаганда, ушбу олий таълим ташкилоти билан биргаликда унинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қилади.

Мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, олий таълим ташкилотининг мазкур Низом талабларига риоя қилмасдан ташкил этилган қўшма таълим дастурларига талабаларни ўқишга қабул қилиш тўхтатилади.

**34. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.**

**35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.**

